

Хозирги замон ўкувчиси тарихий шахслар ва воеалар хакида чин хакикатни билишга катта эхтиёж сезади. Истиклол шарофати билан Амир Темур хаёти ва фаолиятига оид нуфузли тарихий манбалар чоп этилган. Натижада ўкувчининг чин хакикатни билишга бўлган эхтиёжини кондириш имкониятлари кенгайди.

Биз куйида шу имкониятлардан фойдаланиб, Амир Темурнинг Каршидан бошланган улкан зафарларини илмий бадиа шаклида кўрсатишга интилдик.

Темурбек йигирма беш ёшида мўгул истилосидан халос бўлишга каратилган халк озодлик харакатига етакчилик килган ва Чигатайхон авлодидан бўлган Илёсхўжахон билан унинг золим амири Бекичикни 1363-1364 йилларда Вахш дарёси бўйида ва Кеш вилоятида маглуб этиб, катта нуфузга эришган эди. Ўши киркларга борган маккор Амир Хусайн кайногалик хукукидан фойдаланиб, Темурбекнинг ёнига иттифоқдош бўлиб сукулиб киради. Кейинчалик Темурбек унинг гаразли максадларни кўзлаганини сеза бошлайди. «Амир Хусайн менинг галаба ва ютукларимни кўролмайди, хасад ичини кемиради, хамма вакт мени маглуб этиш пайида бўлиб, фириб бериб келарди», деб ёzáди «Темур тузуклари»да.

1365 йилда Тошкент билан Чиноз оралигига мўгуллар билан бўлган «лой жанги»да Амир Хусайн Темурбекка хиёнат килиб, унинг кўшинига катта талофат келтиради. Ўзи эса харбий кучларини саклаб колиб катта устунликка эришади ва Туроннинг бош хукмдори даражасига кўтарила бошлайди. (Бу ишда унга чингизий хонларнинг кариндоши Амир Мусо ёрдам беради. Амир Хусайн мўгул хони Тармасириннинг кизига уйланган эди. Бу кизнинг онаси Ўрдухотин Хусайнбекка ўз хукмини ўтказадиган кайноналардан эди. Шу хотиннинг маслахати билан дарвешнамо мўгул шахзодаси Кобулшохга хонлик лавозими берилган эди. Унинг хукми билан Самарканд шахри Темурбек ихтиёридан олиниб, Амир Хусайн тасарруфига ўтказилади.

Атрофини мустамлакачи чингизийлар ўраб олган Амир Хусайн хийлаю найранг ишлатиб, Амир Темурга карашли бўлган Карши калъасига ўзининг мўгул кариндоши Амир Мусони хоким килиб кўяди, унинг ихтиёрига етти минг кўшин беради.

Амир Хусайн ва унинг вазири амирлари худди мўгул истилочилари каби халкни талаб бойлик орттирас эдилар. Амир Хусайн Чингизхон жорий этган шафкатсиз ёсок конунларига асосланиб, арзимаган гунохлар учун хам одамларни катл эттирас эди. Соликлар орасида божу хирождан ташкари амалдорларга алохида тўланадиган «шилон», «кўналга», «саворий», «моли жихот» каби шариатда йўқ, факат чингизийлар жорий этган оғир соликлар хам Хусайнбек амалдорлари томонидан шафкатсизлик билан ундириларди.

Амир Хусайн худди мўгул хонларига ўхшаб факат харбий кучга таяниб, зўравонлик ва талончилик сиёсатини олиб борган сари ахоли орасида унга карши норозилик кучайиб борар эди.

Бутун халк золим чингизийлар истилосидан кандай кутулган бўлса, золимликда улардан колишмаётган Амир Хусайн одамларидан хам шундай халос бўлишни истарди. Темурбек халк орасидаadolатли рахбар бўлиб танилгани сари Амир Хусайндан ихлоси кайтган ва Темурбек байроги остига йигилиб келаётган кучлар тобора кўпайиб бормокда эди. Темурбек хар канча сабр-бардошли бўлса хам, энди Чингизийлар истибдодини давом эттираётган Амир Хусайнга карши хаёт-мамот курашига чикмай туролмайди.

Муаллиф:

26.10.2013 14:37 -

Унинг кўл остидаги мингдан ортиқ садокатли беку навкарлар Темурбекнинг Амир Хусайнни бартараф килиш хакидаги карорини маъкуллайдилар. Темурбек якин беклари билан килган махфий машваратда энг аввал ўзи иморатини курдирган Карши калъасини Амир Хусайндан тортиб олиш режасини тузади. Баъзи амирлар эрта тонгда калъага хужум килиш ва юзма-юз жанг билан уни эгаллашни таклиф киладилар.

Бирок Темурбек бу таклифни кабул килмайди. Чунки Карши калъасида беш минг, унинг атрофида етти минг кўрикчи аскарлар бор эди.

Тонг отганда бўладиган юзма-юз олишувда хар икки томондан кўп талофат бўлиши ва бундай жанг фукаролик урушини келтириб чикириши мумкин эди.

Холбуки, Амир Хусайн сўнгги йилларда хийлаю найранг билан ўз томонига оғдириб олган беку навкарларнинг кўпчилиги бир эл, бир юртнинг фарзандлари эдилар.

Уларнинг орасида бир вактлар халк озодлик харакатига кўшилиб, Темурбек кўл остида жанг килган йигитлар кўп эди. Келажакда agar Темурбек ва унинг содик навкарлари адолат учун курашда голиб келсалар Амир Хусайн томонига гумрохлик килиб ўтиб кетган беку навкарларнинг кўпчилиги Темурбек байроги остига кайтиб келишлари мумкин эди.

«Лой жанги»да жуда кўп одамини йўкотиб аччик тажриба орттирган Темурбек хозир унга садокат саклаб хизмат килаётган сипохийлардан хеч бирини ортиқча хавф-хатарга дучор килишни истамайди. Бутун масъулиятни ўзига олиб, оз куч ва пухта ўйланган режа билан Карши калъасини тунда, ёвлар гафлат уйкусида ётганда тўсатдан бориб эгаллашнинг ажойиб бир тадбирини ўйлаб топади.

Бу пайтда Темурбек ўттиз ёшли пахлавон йигит эди. Айни кучга тўлган, жуда кўп тарихий воеаларни бошдан кечириб, катта тажриба орттирган саркарда эди. У ўз кўшинлари орасидан жанг кўрган довюрак ва эпчил баходирлардан 243 кишини танлаб олади-да, Карши калъасини ичидан ва ташидан кўриклаб ётган ўн минг кишилик ёв лашкарига кечаси тўсатдан хужум уюширади.

Сон жихатидан эллик баробар кўп лашкарга карши коронгу тунда хаёт-мамот жангига отланиш четдан караганда ўта калтис бир таваккалчилик бўлиб кўриниши мумкин. Аммо Темурбек учун бу бир таваккалчилик эмас, балки барча имкониятлари олдиндан пухта ўрганилган, лойихаси заргарона аниклик билан тайёrlанган мардона харбий тадбир эди. Карши калъасининг хокими Амир Мусо тўрт тарафга ўз айгокчиларини юбориб, Темурбекнинг каерда юрганига, канча одами борлигига, нима килаётганига кўз-кулок бўлиб тураг эди. Чунки хозир Карши калъасига Темурбекдан бошка хеч ким хавф сололмас эди. Амир Мусонинг хўжайини Хусайнбек хам «факат Темурдан эҳтиёт бўл!», деб унга кайта-кайта тайинлаган эди.

Буни яхши биладиган Темурбек, энг аввало, Амир Мусонинг хавотирини босадиган, уни хотиржам ва бепарво киладиган илк тадбирни амалга оширади. Бу илк тадбир хакида «Темур тузуклари»да шундай дейилади:

«Карши калъасидаги бекларнинг хотирини жам килиш учун бу ердан кўчиб, Хуросон томонга караб йўлга тушдим. Аму дарёсидан кечиб ўтганимда Хуросон томондан Каршига келаётган карвонга дуч келдим. Карвон бошчиси менга совгалар такдим этди. Мен ундан Хуросон амирларининг хол-ахволини суриштирдим, Хуросон вилоятига кетаётганимни изхор этиб, кетишларига рухсат бердим.

Факат карвонга айгокчи кўшиб юбордим. Ва у хабар келтиргунича дарё сохилига жойлашиб, кутдим. Айгокчи олиб келган хабарга кўра, карвондагилар Амир Мусога шундай дейдилар: «Темурни Амударёнинг нариги ёқасида кўрдик, Хуросон тарафга

Муаллиф:

26.10.2013 14:37 -

кетаётган экан». Бу гап Амир Мусо ва Амир Хусайннинг лашкарига етгач, хаммаси хурсанд бўлиб ўйин-кулгу, айшу ишратга бериладилар».

Бу парчада «айгокчи» деб аталган одам бугунги тилда «хуфя» ёки «разведкачи» деб айтилади. Темурбек ёв томонидан олинадиган ахборотга канчалик катта ахамият бергани бу ерда жуда аник кўзга ташланади. У режалаштирган калтис тадбир аник маълумотлар ва имкониятларни хисобга олиб тузилган ва хар томонлама пухта ўйлаб амалга оширилган харбий кашфиёт эканини воеаларнинг кейинги ривожида хам кўрамиз.

Карши калъасини Темурбек ўзи курдиргани учун унинг каерида нима борлигини яхши биларди. У кўшинлари орасидан жанг кўрган баходир йигитларни танлаб олгач, Амударёдан уларни олиб ўтади, Каршига етмасдан Ширкент (Бешкент якинидаги кишлок) деган жойда тўхтайди. Ва бир кеча-кундуз атрофни кузатиб, хужумга тайёргарлик кўради. Бу тайёргарликнинг бир кисми — йўгон арконларни бир-бирига бояглаб, баланд калъа деворига чикадиган кўлаки нарвонлар ясашдан иборат эди. Бу нарвоннинг зиналари хам пишик аркондан килинади. Улар ёгоч нарвонларга нисбатан енгил. Уларни калъа деворидаги кунгира-шинакларга отиб илинтириш осон. Улар ёгоч нарвонга ўхшаб кўпол эмас ва так-тук овоз чикармайди. Ўйланган тадбир амалга ошиши учун буларнинг хаммаси жуда муҳим эди!

Темурбек шу кадар эҳтиёткорлик ва аник хисоб-китоб билан амалга оширмокчи бўлган харбий тадбирда ўз одамларини кутилмаган хавф-хатардан асраб-авайлашга жуда катта эътибор беради. Бунинг аник далил ва исботларини «Темур тузуклари»да учратамиз:

«Карши калъасидан бир фарсанг (тажминан олти чакирим) масофага келиб тушдим... Шу пайт Амир Жоку тизза уриб, «Бир гурух баходирлар оркада колдилар, улар келгунча тўхтаб туриш зарур», деб ўтинди. Шунда хотирамга бир фикр келди. Баҳордирларим етиб келгунча калъани ўзим кўздан кечирмокчи бўлдим. Кирк киши хамроҳлигига Карши калъаси томон йўл олдим. Калъа кораси кўринган жойда баҳодирларимни тўхтатиб кўйдим ва уйимиизда туғилиб ўсган Мубашшир билан Абдулло исмли йигитларни бирга олиб, ўзим кетдим. Сув билан тўлдирилган хандак бўйига етдим. Карасам, хандак сув билан лиммо-лим экан. Теварак-атрофга назар солиб, хандак тепасидан калъага сув олиб борадиган тарновга кўзим тушди. Отимни Мубашширга колдириб, ўша тарнов оркали сув кечиб, хандак устидан ўтдим ва калъа деворига якинлашдим. Дарвоза олдига бориб, эшик кокдим. Дарвозабонлар ухлаётган экан, ичкаридан садо чикмади. Калъа деворини кўздан кечириб, нарвон кўйиб, аркон зиналар билан чикса бўладиган жойни топдим. Сўнг оркага кайтдим ва отланиб баҳодирларим олдига бордим».

Темурбек кай даражада довюрак ва мард йигит бўлганлиги мана шу лавхада бўртиб кўринади. Унинг мардлиги — бутун масъулиятни ўзига олиб, барча хавф-хатарга аввало ўзи юзма-юз бўлганида кўзга ташланади. Агар кўргон дарвозахонаси ичida кўриклилар уйгок бўлганда Темурбек эшик такиллатган захоти ёпирилиб чикишлари ва уни тутиб олишлари ёки ўқ ёғдириб тирик кўймасликлари мумкин эди. Дарвоза каршисидаги сув тўлдирилган чохдан ўтиб кутилиб кетишнинг эса имкони йўқ эди. Темурбек шуни била туриб дарвозани такиллатиб кўради. Ички бир овоз унга «хеч ким йўқ, кўркма!» дегандай далда беради. Чиндан хам калъа ичидагилар кайф-сафодан кейин каттик уйкуга кетган бўладилар. Дарвозагача бориб, вазиятни шахсан ўзи аниклаган Темурбек энди катъият билан калъага хужум уюштиради. 200 йигит Темурбек синааб кўрган тарнов оркали сув тўлдирилган чохдан ўтади ва калъа девори бўйлаб сёкин илгари

Муаллиф:  
26.10.2013 14:37 -

---

юради.

Саркарда белгилаб кўйган жойда аркондан тўкилган нарвонларнинг учини юкорига отиб, калъа кунгираларига илинтирадилар.

Эр йигитлардан кирк киши ана шу нарвонлар билан калъа девори устига чикадилар. Бу ишлар хаммаси овоз чикармасдан ими-жимида килинади. Калъа девори устидан юриб бориб, Темурбек такиллатиб кўрган Гузор дарвозахонасига юкоридан тушадилар.

Дарвозахонада ухлаб ётган кўрикчилар энди уйгониб кетади ва шовкин кўтариб, курол ишлатмокчи бўлади. Шунда Темурбекнинг кирк йигити уларни уриб йикитиб, кўл-оёкларини бoggрайдилар.

Темурбек колган 160 йигити билан дарвоза ташкарисида унинг очилишини кутиб туради. Дарвозага отнинг калласидай кулф осилган бўлади. Калит топилмайди. Йигитлар кулфни болта билан уриб синдириб туширадилар. Дарвоза оркасига тош ва кесакларни уйиб, очилмайдиган килиб кўйган эканлар. Энди бир эмас, икки-уч болта билан дарвозани бузиб, кулатиб йўл очадилар. Дарвоза ташкарисида соҳдан ўтиладиган кўприк бор экан. Аркон билан кўтариб кўйилган кўприкни чоҳ устига туширадилар.

Шундан сўнг Темурбек бошлиқ барча баходирлар кўприкдан ва кулатилган дарвозадан ўтиб калъага кирадилар. Темурбек беш-үн жойда ўткир овозли бурги ва карнай чалдиради. Калъада маст уйкуда ётган Амир Мусо ва минглаб навкарлар чўчиб уйгонадилар. Улар Темурбекнинг момокалдироқдай гулдураган овозини эшитадилар.

Темурбек катта кўшин билан келганини айтиб, бехуда кон тўкилмаслиги учун каршилик кўрсатмасдан таслим бўлишни талаб килади. Калъадагиларни вахима босади. Уларнинг назарида Темурбек осмондан тушгандай туюлади. Коронгуда ўзларининг кўркиб кочаётган одамлари хам Темурбекнинг кувиб келаётган баходирларидек кўринади.

Калъа бошлиги Амир Мусо Самарканд ва Бухоро томонга караган дарвозалар ланг очик турганини, вахимага тушган навкарлар ўша дарвозалардан кочиб чикиб кетаётганини кўради. Уларни камчи хам, килич хам оркага кайтара олмайди. Шундан кейин Амир Мусонинг ўзи хам уйида колган хомиладор хотини Орзу Маликни ва 14 яшар ўсмир ўғли Мухаммадни химоясиз колдириб, калъанинг Самарканд дарвозасидан чикиб кочади.

Калъада саросима бўлиб, кайси дарвозадан кочиб кутулишни билмай изгиб юрган ёв навкарлари кўп эди.

Овози баланд жарчилар уларга Темурбек номидан мурожаат килиб, таслим бўлганларнинг жони омон колишини маълум килади: «Биз бир эл, бир юрт одамларимиз, ораларингда Амир Хусайннинг ёлгон ваъдаларига ишониб алданган навкарлар кўп, бир вактлар Темурбек хизматида бўлганлар ўз хатоларига чин дилдан икрор бўлиб тавба килсалар, улар адолат учун курашаётганлар сафига яна кабул килингайлар!».

Темурбекнинг ўзи хам от устида туриб, калъа ичидаги саросима бўлиб кочаётганларни таслим бўлишга ва адолат йўлига кайтишга даъват этади.

Темурбекнинг сўзи билан иши бир эканини, унинг мардлиги ва тантлигини амалда кўп марта кўрган кўплаб йигитлар куролларини ташлаб таслим бўладилар ва Темурбек каршисида тиз чўкиб, агар тирик колсалар умрбод унга содик колишларини айтадилар.

Шу тарзда Темурбекнинг баходир йигитлари сафига яна юзлаб янги навкарлар кўшилади. Тонг отиб кун ёришгандан кейин Амир Мусонинг калъадан кочиб чиккан минглаб навкарлари юзбоши ва мингбоши амирлар тазъйики остида бир жойга тўпланадилар. Улар акл-хушларини сал йигиб олганларидан кейин тунда калъага бостириб кирган Темурбек аскарлари сон жихатидан унча кўп эмаслигини фахмлайдилар. Холбуки, калъа ташкарисида турган ётти минг аскар хали жангга

Муаллиф:

26.10.2013 14:37 -

---

кирган эмас эди. Факат Дуррака Баходир деган амир ўзининг беш юздан ортик навкарлари билан Гузор дарвозасидан ок байрок билан келиб, Темурбек томонга ихтиёрий равишда ўтиб кетган эди.

Бундай ходисалар тақрорланишидан кўркан Амир Мусо Малик Баходир деган энг якин амири билан бор кўшинини тўплаб, калъа атрофини ўраб олади. Улар сув тўлдирилган соҳдан ўтишнинг иложини тополмай, анча наридан ўқ отиб кўрадилар. Аммо ўклари калъада химояда турганларга етиб келмас эди.

Амир Мусонинг лашкари кўп бўлгани учун калъага икки кун давомида кайта-кайта хужум килиб кўради. Бу хужумларни кайтаришда Темурбек шахсан ўзи хам кўлда килич билан жанг килади. Шунга оид бир лавхани Ш.Яздий «Зафарномаси»дан келтириш мумкин:

«Душман томони юз кишиким черик оркасида черик саклагани туриб эрдилар, икки кўшин бўлиб, бири ўзини Элчи Буго Баходирга урди ва бири хазрат сохибкорон сари чопдилар. Хазрат сохибкорон килич тортиб, алар сари чопиб, ел кибиким, хашакни сургай, уларни ўшандок суриб, бир-бир маглуб этди. Ўзгаларким, ул хамлани кўрдилар, алар даги турмай кочдилар».

Ўрни келганда шуни айтиш ўринлики, дунё микёсида шухрат козонган улуг саркардалардан факат Александр Македонский Темурбек каби 30 ёшларида ўз кўшинининг олдинги сафида душманлари билан бевосита килич чопиб жанг килган экан. Унинг ўз жангчиларига кўрсатган шу қаҳрамонона ибрати ва бошка фазилатлари учун хамсанавислар уни кўп улуглаганлар. Хусусан, хазрат Алишер Навоий ўзининг «Сади Искандарий» достонида Искандарни подшо ва саркардаларнинг энг ботири деб эъзозлаганлар. Темурбек хозир ўша даражада жанг киларди. Темурбек жангга кирганда унинг овозини, хатто номини эшитган душманларини вахима босарди.

Чунки ундаги афсонавий шижоат ва голибликтининг асл манбаи илохий кудратдан деб ишонадиганлар кўп эди. Ш.Яздий хам бу хакда ишонч билан ёзади:

«Инояти илохийни кўрингки, бир кишигаким, ани иноятидин хосе килса, анга андок журъат берурким, икки юз кирк уч киши билан ўн икки минг кишини урушиб боскай (енгтай) ва икки кунда аларнинг шахар ва калъасини олгай... Ва бу сўз ёлгон эрмас, анинг учунким, ул маъракада бўлгон кишилардин эшитиб ва кўрганлардин тахқик килиб битдук. Душманларнинг азимат ва шавкатлари бартараф бўлиб, хар бири бир сори кочдилар... Хазрат сохибкорон ул киши саодат ва икбол билан Каршида турди ва лутфу эхсон била андаги улуг, кичик, факир, мискин раиятларга шафкат кўзи билан бокиб, зироатка ва иморатка саъии килди».

Чиндан хам Темурбекнинг Каршини золим Хусайнбек асоратидан озод килишдаги тенгсиз жасорати ва пухта ўйлаб амалга оширган тадбири бу кадар муваффакиятли чиккани илохий бир иноятдек туюлади. Карши калъасида кўлга тушган асиirlар орасида Амир Мусонинг Мухаммад исмли ўсмир ўғли хам бўлади. Баъзи амирлар уни банди килиб гаровда саклашни маслаҳат берадилар. Аммо Темурбек бундай ишни ўзига муносиб кўрмайди. Ўсмир Мухаммадни кочириб юборишни буюради. «Тики у отасига барча кўрганларини айтиб берсин, Амир Мусо Темурбекка бас келолмаслигини шундан хам сезсин». Бу тадбир хам, албатта, ўз натижасини беради. Амир Мусо Темурбекдан енгилиб, хомийси Амир Хусайн хузурига кочиб кетади.

Яздийнинг гувохлик берганидек, Темурбек Карши шахрида кишлигар ойларида мискин ва факирларга эхсонлар килади, вайрон бўлган иморатларни кайта тиклатади, баҳор якинлашганда экиш экиш учун уруглиги бўлмаган дехконларга уруглик улашади. Бу хакда

## Каршидан бошланган зафарлар

Муаллиф:

26.10.2013 14:37 -

---

«Темур тузуклари»да шундай дейилади: «Менинг даргохимга илтижо килиб, панох истаб келган турку тожик, арабу ажам тоифаларидан бўлган... дехконлар ва раиятдан кайси бирининг дехкончилик килишга курби етмай колган бўлса буюрдимким, унга экин-тикин учун зарур уруг ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фукародан кимнинг уй иморати бузилиб, тузатишга курби етмаса, керакли ускуналар билан ёрдам кўрсатилсин».

Бу хаммаси Темурбекнинг чинакам халқпарвар йўлбошчи бўлганини кўрсатади ва эл-юрт орасида унинг тарафдорлари сонини кўпайтиради. Каршидан кейин Бухоро Темурбек ихтиёрига ўтади. У ерга Темурбек ўзининг ишонган амирларидан Махмудшоҳ ва Али Ясавурийни хоким ва калъа беги килиб тайинлади.

Каршидан бошланган зафарлар йиллар давомида бутун Туронни камраб олди. Тошкент ва Самарканд хам Амир Хусайндан юз ўгириб, Темурбек ихтиёрига ўтди. Термиз, Кундуз вилоятларининг беку амирлари хам ўз навкарлари билан Амир Темур лашкарлари сафига келиб кўшилдилар. Эл-юрт назаридан колган Амир Хусайн ўз хиёнатларининг курбони бўлиб хаётдан кўз юмади.

1370 йилги истиклол кунларида Туроннинг барча вилоятларидан Самаркандга йигилиб, улкан курултой ўтказган эл-юрт акобирлари, энг нуфузли халқ вакиллари 36 ёшли йигит Амир Темурни қаҳрамон ва сохибқирон деб улуғладилар, унинг бошига олтин тож кийдирдилар, белига тилла камар bogлаб, мустакил Турон хукмдори сифатида таҳтга чикардилар.

Биз Амир Темур етакчилигига эришилган истиклолнинг накадар улуг кадрият бўлганини орадан асрлар ўтгандан кейин Ўзбекистон мустакиллиги йилларида астойдил хис килдик. 1996 йил мамлакатимиизда «Амир Темур йили» деб эълон килинган кунларда улуғвор Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиш маросимида юртбошимиз Ислом Каримов айтган куйидаги сўзлар бизнинг Сохибқирон бобомизга аталган эзгу туйгуларимизни ифода этди:

— Мўгул истибоди авжига чиккан йилларда Мовароуннахрдай гуллаб-яшнаган пойдор юрт ўзининг тарихий номини хам йўкотиб, мустамлака ўлкасига — Чигатой улусига айланиб колган эди... Чексиз адолатсизликлардан Темурбекнинг канчалар изтироб чекканини бизнинг авлодимиз — сиз билан биз — айникса чукур хис киламиз. Чунки орадан олти аср ўтиб, худди шундай кўргуликлар бизнинг хам бошимизга тушган эди. Шавкатли аждодимизнинг ўлмас хизматлари шундаки, у мураккаб тарихий шароитда халқнинг бошини ковуштира билди. Истилочиларга какшаткич зарбалар бериб, Туркистон заминида илк бор истиклол байрогини баланд кўтарди. Пароканда эллар, элатларни бирлаштириб, марказлашган кудратли давлат тузди... Зурриётларига карата «истиклол билан мулку миллат, лашкар ва раъиятни бошкарингиз!» деб васият килди. Бу ўлмас васият бугунги Ўзбекистон истиклоли даврида халкимиз ва раҳбариятимиз томонидан изчил амалга оширилмоқда. Биз бу тарихий ходисага нафакат гувохмиз, балки мамлакатимиизда амалга оширилаётган улкан хайрли ишларга заррача бўлса хам хисса кўшиш иштиёки билан меҳнат килмоқдамиз.